O’zbekiston Respublikasi
Sirdaryo viloyati
Guliston shahar hokimining

Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е

хокима города Гулистана
Сырдарьинской области
Республика Узбекистан

20___ yil “_6_” ноябрь **№_2591_** **Guliston sh.**

Гулистон шаҳрининг “Бўстон” маҳалласи кўчаларига йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелда қабул қилинган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, Гулистон шаҳар ички ишлар бўлимининг 2019 йил 9 октябрдаги 30/6624-сонли хати ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Гулистон шаҳар ички ишлар бўлимининг 2019 йил 9 октябрдаги 30/6624-сонли хати ижро учун қабул қилинсин.

2. Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими (З.Қаюмов), Гулистон шаҳар ИИБ ЙҲХБ (Ғ.Абдуллаев) ҳамда Сирдарё вилоят ҳокимлиги қошидаги “Махсус эксплуатация” бўлими (Ф.Эгамбердиев):

Гулистон шаҳар, “Бўстон” маҳалласи, Талабалар кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари жойлашганлиги ҳамда ушбу ҳудудда аҳоли зич жойлашганлиги, ҳайдовчилар томонидан транспорт воситаларини кўчанинг дуч келган жойларида тартибсиз, қаровсиз қолдириб кетишлари, натижада узлуксиз тирбандликлар ҳосил бўлиши ҳамда пиёдалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг рўй бериши ҳолатларининг рўй кўплпб учраётганлиги сабабли, ушбу салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида, ушбу кўчада жойлашган кўп қаватли 9-уй ва “Афросиёб” савдо мажмуаси қаршисида кўчанинг ҳар иккала томонида жами 2 (икки) дона 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” ва 7.2.1 таъсир оралиғи “300 м” йўл белгиларини ўрнатсин ва назоратини олиб борсин.

3. Шаҳар ҳокимлиги девонхонаси (А.Қуватов) мазкур қарорни “Гулистон янгиликлари” газетасида нашр этилишини ва шаҳар

ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, қоғоз ва электрон шаклларда бир кунлик муддатда тегишли ташкилот раҳбарларига етказилишини ташкиллаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Ж.Яриев) зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу қарор расмий манбаларда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Шаҳар ҳокими **Т. Дадабаев**